



ТЕХНИК КРИМИНАЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗА – АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Таштемиров Анвар Аликулович,
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
Маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси.
E-mail: anvartoshtemirov 05031979@gmail.com.*

Аннотация: Мақолада ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишда ашёвий далилларнинг аҳамияти, уларни олиш ва қайд этишда техник криминалистик экспертиза тайинлаш ҳамда уни ўтказиш тартиби, шунингдек экспертиза натижасида олинadиган ашёвий далиллардан исботлаш жараёнида фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари қайд этилган.

Калит сўзлар. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилган жиноятлар, ашёвий далил, log файл, дастурий таъминот, экспертиза тайинлаш, экспертиза ўтказиш, экспертиза хулосаси, олиб қўйиш, кўздан кечириш.

ТЕХНИЧЕСКАЯ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА - КАК КЛЮЧЕВОЙ ФАКТОР РАСКРЫТИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Таштемиров Анвар Аликулович,
*Старший преподаватель кафедры административного
права, Академии МВД Республики Узбекистан.
E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com.*

Аннотация: В статье раскрывается значение вещественных доказательств при раскрытии преступлений, совершенных с помощью информационных технологий, порядок назначения и проведения технико-криминалистической экспертизы при их получении и фиксации, а также особенности использования полученных вещественных доказательств в качестве результат экспертизы в процессе доказывания.

Ключевые слова. Преступления, совершенные через социальные сети, вещественные доказательства, лог-файл, программное обеспечение, назначение экспертизы, экспертиза, заключение экспертизы, выемка, осмотр.

TECHNICAL FORENSIC EXAMINATION - AS A KEY FACTOR IN SOLVING CRIMES COMMITTED USING INFORMATION TECHNOLOGY



Tashtemirov Anvar Alikulovich,

*Senior Lecturer of the Department of Administrative Law,
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.*

E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com

Annotation: The article reveals the importance of physical evidence in solving crimes committed with the help of information technology, the procedure for appointing and conducting a technical and forensic examination when they are received and fixed, as well as the features of using the obtained physical evidence as a result of an examination in the process of proving.

Keywords. Crimes committed through social networks, material evidence, log file, software, appointment of an examination, examination, conclusion of an examination, seizure, inspection

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида бир қатор муҳим ислохотлар амалга оширилди.

Ушбу амалга оширилган ислохотлар замирида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шу жумладан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини кафолатлаш, халқимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва одил судловнинг самарадорлигига нисбатан қатъий ишончи ва ҳурматини оширишда тўлароқ намоён бўлди.

Ҳар бир жиноят, у қанчалик яширин содир этилган бўлмасин, тез ва тўла очилиши лозим. Бунда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари доимо сезгирлик билан жиноий воқеликларни аниқлаши, уларни «иссиқ излари» орқали фош этиш, жиноят содир этишга имкон берган ҳолатларни аниқлаши, жиноятнинг барча иштирокчилари, айниқса ташкилотчилари, далолатчилари, бевосита ижрочиларини аниқлаши муҳим аҳамият касб этади. Жиноят қанча тез ва тўла очилса, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялаш вазифаси шунча самарали бажарилади[1].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни фош этишда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, бу эса тергов ва тезкор-қидирув тадбирларини ўз вақтида сифатли ва самарали ўтказиш зарурати билан тавсифланади. Бунда албатта, ҳар бир тергов ва тезкор ҳаракатларга пухта тайёргарлик кўриш, айбланувчининг шахсини синчковлик билан ўрганиш ва у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш вақтини тўғри танлаш имконияти ҳисобланади. Уларни танлаш ва амалга оширишнинг кетма-кетлиги



дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишдан кейин вужудга келган тезкор вазият билан белгиланади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни фош этишда жиноятга оид ашёвий далиллар, жиноят қуроллари, турли изларни аниқлаш юзасидан турли суд экспертизалари тайинланади. Жумладан, ҳужжатлар билан боғлиқ ашёвий далиллар олинган бўлса, (валюта, паспорт, диплом, ҳайдовчилик гувоҳномаси, лотерея билетлари) ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси ўтказилади[2].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар юзасидан ашёвий далилларини қўл билан ушлаб, оддий кўз билан кузатув натижасида аниқлаб бўлмайди, яъни ушбу жараёнда аксарият ҳолларда рақамли далиллар ҳисобланганлиги сабабли, уларни махсус кодлар, дастурлар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлади.

Бугунги кунда ижтимоий муносабатлар жараёнида замонавий ахборот технологиялари ўзига хос ўринга эга эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу борада содир этилаётган жиноятлар бўйича ашёвий далаларни аниқлашда уларни кўздан кечиришнинг услубини янада такомиллаштириш тақозо этилади[3].

Ҳодиса содир бўлган жойда ашёвий далилларни тўплашда, аввало жабрланувчининг рўйхатдан ўтган ижтимоий тармоқдаги профили ва ушбу профил жойлашган ахборот технология воситасини кўздан кечириш лозим бўлади. Бундан ташқари унинг ёзишмалари, хат келиб тушган санаси, жўнатувчининг исми, хабар сарлавҳаси, жўнатувчининг akkaунти (ID), ёзишмаларнинг мазмуни, жўнатмаларининг мавзуси ва жўнатманинг тўлиқ мазмунини сатрма-сатр навбатма-навбат киритиш лозим: жўнатувчи-қабул қилувчи деган шаклда, жабрланувчининг akkaунт профилининг скриншотини кўздан кечириш баённомасига илова қилинади (жиноят иши қўзғатилгандан сўнг, уни кейинчалик ашёвий далил деб эътироф этиш лозим).

Агар пул маблағларини жабрланувчи жиноятчи номига шахсан ўзи юборган бўлса, унда жабрланувчидан транзакцияларнинг босма нусхаларини талаб қилиб олиш ва UzCard, HUMO, OSON, Uray, UZUM ва бошқа тўлов тизимлари ва Click, Raume онлайн-банкнинг тизимларидан сўроқ орқали олиш ёки терговга қадар текширишни амалга оширувчи органларнинг ўзлари томонидан сўров юборишлари лозим (нима мақсадда пул маблағларини юборганини аниқлаш керак). Ушбу квитанцияларни кўздан кечириб баённомада: маблағлар қачон ва қайси ҳисоб рақамига ўтказилганлиги, пул олувчи ким бўлганлиги (одатда пул олувчининг фамилия исм шарифи, банк ҳисоб варағи, маблағ тўлов тизими ёки онлайн-банк орқали ўтказилганлиги), ўтказилган пул миқдори, транзакция муваффақиятли яқунланганлиги ва қўшимча маълумотлар киритилади ва баённомага ашёвий далил тариқасида илова қилинади.



Бинобарин, мобил қурилмалар экспертизаси ва компьютер-техник экспертиза хулосалари компьютер воситаларини қўллаш билан боғлиқ муносабатлар юзасидан ишлар бўйича далилларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, экспертиза ўтказиш ташаббускорлари рақамли ахборот ташувчи воситаларини олиш, қадоқлаш, ташиш ва сақлашнинг хусусиятлари бўйича ҳар доим ҳам керакли билимларга эга эмаслар.

Амалиёт шуни кўрсатадики, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига қарамай, мобил қурилмалар экспертизаси ва компьютер-техник экспертизаларининг объектлари Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМга кўпинча муҳрланмаган ёки қадоқланмаган ҳолда тақдим этилмоқда. Бундай ҳолларда, муҳрланмаган ёки қадоқланмаган маълумот ташувчи объектлардаги ахборотларни рухсатсиз ўзгартириш ёки ўчириб юбориш хавфи сақланиб қолади.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда хонадан олинган компьютер техникасини, олинган бошқа нарсалар, масалан ҳужжатлар, блокнотлар, ёзув китоблари ва компьютер-техник экспертизаси билан боғлиқ бўлмаган нарсалар билан битта қадоққа жойлаштирмаслик лозим бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, мобил телефонлар ва планшет компьютерлар компьютер-техник экспертизаси объектларига тегишли эмас, балки мобил қурилмалар экспертизасининг тадқиқот қилиш предмети ҳисобланади. Шунинг учун ушбу объектлар бир-биридан алоҳида қадоқланиши зарур.

Қадоқ ичидаги объектларнинг ҳаракатланишини чеклаш масадида поролон, пенопласт, картон ёки ғижимланган қоғоз каби қистирма материаллардан фойдаланиш керак. Далил сифатида бирдан ортиқ компьютерлар олиб қўйилган бўлса, унга уланган барча компьютерлар, кабеллар ва қурилмалар зарурий ҳолатда қайта йиғишда осон бўлиши учун тегишли равишда белгиланиши керак. Мисол учун компьютер, А компютери этиб белгиланади. Барча уланишлар ва кабеллар "А" ҳарфи ва кетма-кет рақам билан белгиланади.

Кейинчалик олиб қўйилган компьютерлар алифбо тартибда белгиланиши мумкин. Тегишли уланишлар ва кабеллар тўғри йиғишни таъминлаш учун компьютернинг ҳарфий белгиси ва ягона рақамлар билан белгиланиши мумкин.

Ишга керакли ашёвий далиллар белгилаган тартибда олинганидан сўнг компьютернинг ўзида электрон ёки бошқа фишинг излари мавжудлигини аниқлаш зарурияти бўлса, суд-компьютер тармоқ, ахборот-компьютер экспертизаларини тайинлаш лозим[4].

Суд-компьютер тармоқлари экспертизалари ҳар қандай тармоқ ахборот технологияларини амалга оширадиган компьютер воситаларининг функционал мақсадларига асосланади.



Компьютер тармоқлари экспертизаси текширилаётган объектнинг тармоқдаги мақсадини аниқлаш, тармоқнинг яроқлилиги ва тўлиқ тўғри ишлаётганлиги ҳолатини аниқлаш (нуқсонлар, хатоликлар мавжудми), тармоқга ўзгаришлар киритилганлигини аниқлаш, ташқи дастурлардан фойдаланиш излари, тармоқдаги жиноятни содир этиш механизмини юз берган оқибатларга қараб аниқлаш, шунингдек, компьютер тармоғидан тўғридан-тўғри фойдаланиш ва шундан келиб чиққан натижа ўртасида сабаб ва оқибат муносабатларини ўрнатиш билан боғлиқ масалаларни ўрганади. Суд компьютер-техник экспертизасини тайинлаш ушбу турдаги суд экспертизасини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, суд экспертизаларини амалга ошириш фаолияти билан шуғулланадиган ва мазкур давлатда тегишли турдаги экспертизаларни амалга оширишга рухсат берилган экспертлардан иборат ноижорат ташкилотларга топширилиши мумкин.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни фош этиш тактикасининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида, суд-ахборот технология ёки компьютер-техник экспертизаси экспертларининг олдида қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин: компьютер воситаси ва дастурий таъминотнинг хусусиятлари, шунингдек унинг тармоқдаги функциялари ва вазифалари аниқлансин; тадқиқот учун тақдим этилган объект орқали Интернет тармоғига кириш имконияти бўлганми? Агар шундай бўлса, қандай кириш ҳуқуқи, уланган тармоқлар, воситалар мавжуд? тадқиқот учун тақдим этилган объект (компьютер техник воситаси, мобиль қурилма, ноутбук ёки планшет)нинг Интернетда ишлаш излари мавжудми, агарда мавжуд бўлса, уланиш учун қандай аппарат қурилмалардан фойдаланилган? тадқиқот учун тақдим этилган объект (компьютер техник воситаси, мобиль қурилма, ноутбук ёки планшет)дан фойдаланган ҳолда Интернет глобал тармоғида онлайн тўловларни ўтказилганлиги ёки тўлов карталар рақамлари киритилганлиги ёки фойдаланилганлиги ҳақида маълумот борми? Агарда маълумотлар бўлса, унда ишлатилган барча банк карталари рақамлари аниқлансин.

Банкдан олинган log-файлларига нисбатан қуйидаги саволлар берилиши мумкин: тақдим этилган log-файлларига тасодифий хатоларга ишора қиладиган маълумотлар борми? Агар шундай бўлса, бу хатоларнинг сабабини аниқлаш мумкинми (компьютернинг ишламай қолиши, компьютер тизими, дастурий таъминотнинг бузилиши ва бошқалар); тасодифий хатолар сабабли келиб чиқмаган log-файлларининг ўзгартирилиши ёки ўчирилишини кўрсатадиган маълумотлар борми? Агар мавжуд бўлса, айнан қайси файллар, уларнинг мазмунини тиклаш мумкинми?

Шуни ёдда тутиш керакки, банкдан олинган log-файллар бўйича суд-компьютер экспертизаси тайинланиши шарт эмас ва уларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ишончлилиги бошқа тергов ҳаракатлари билан белгиланиши



мумкин. Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи масалалар бўйича вазифаларга тегишли зарур изоҳлар бериши мумкин бўлган мутахассис иштирокида log файлларни текшириш орқали амалга оширилиши мумкин. Иккинчи масала бўйича банк дастурининг log-файллари ва мониторинг тизимининг log-файллари(хавфсизлик тизимлари) солиштириш усули ҳам қўлланилади. Уларни таққослаш, оммавий ахборот воситаларини тегишли файллар билан текшириш банк хавфсизлиги бўйича мутахассиснинг иштирокида, кейинчалик уни сўроқ қилиш билан амалга оширилиши керак. Жараён давомида мутахассис log файлларининг яхлитлиги ва идентификациясини тасдиқлаши керак бўлади. Log-файлларни ўқишнинг имкони бўлганда экспертизага тақдим этиш мажбурий тартибда амалга оширилади.

Булардан ташқари ишнинг мазмунига қараб экспертлар олдида бошқа саволлар қўйилиши мумкин ҳисобланади[5].

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, «Фишинг» ҳужуми ёки бошқа ахборот-коммуникацион технологиялар, Интернет глобал тармоғи ёрдамида виртуал маконда содир этиладиган фирибгарликни тергов қилишда тайинланиши мумкин бўлган экспертизанинг яна бир тури - бу суд ахборот компьютер (маълумотлар) экспертизаси. Бу экспертиза компьютер тизимидаги маълумот ташувчи воситада ҳам, маълумот ташувчи воситадан «ўчирилган» барча файлларининг ҳам экспертизасини ўтказиши, шунингдек керакли маълумотларни топиш учун компьютернинг тизим блокларини текширади.

Ушбу турдаги экспертизанинг мақсади фойдаланувчи томонидан тайёрланган ёки компьютер тизимидаги ахборот жараёнларини ташкил қилиш учун дастурлар томонидан яратилган (тайёрланган) маълумотларни қидириш, топиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш бўлиб ҳисобланади.

Суд компьютер-техник экспертизада исботлашнинг асосий объектларига қуйидагилар киради: IP- манзилни аниқлаш; тизимга кириш вақтини аниқлаш; ўчирилган маълумотларни тиклаш; электрон ҳужжатларга ўзгартириш киритилган киритилмаганлигини аниқлаш компьютер маълумотларига ноқонуний кириш ҳолатини аниқлаш.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни фош этишнинг яна бир муҳим жиҳати, содир этилган жиноят бўйича гумонланувчи билан бўладиган индивидуал суҳбат (кўрсатувларини олиш) ҳисобланади. Бунда суриштирувчи гумонланувчининг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи, ўзини тутиши, руҳий ва жисмоний ҳолатини эътибордан қочирмаслик талаб этилади. Бу борада тадқиқотчи А.А. Таштемиров ўз фикрларини қуйидагича баён этади, яъни “Гумон қилинувчидан олинган кўрсатувларида қатор масалалар ҳал этилиши лозим. Уларга қуйидагилар киради: гумон қилинувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар; фирибгарликнинг қаерда содир этилганлиги; уни содир этиш вақти ва усули; олиб кетилган буюмлар ва уларнинг эгаллангандан кейин қаерда сақланаётганлиги каби масалалар аниқланиши лозим” [6].



Шундай қилиб, ахборот технологиялари орқали содир этилган жиноятларга оид хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиши ва қонуний қарор қабул қилиниши, шунингдек қарз муносабатлари билан боғлиқ фирибгарлик, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, улар бўйича тўпланган ҳужжатлар дастлаб тергов бошқармаларида ўрганиб чиқилиши ва хулосалар берилгандан кейин тегишли қарор қабул қилиниши лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятларнинг бошқа содир этилган жиноятларга қараганда ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, ушбу турдаги жиноятлар виртуал маконда содир этилади, яъни компьютер, мобиль қурилмалар ёрдамида, Интернет ва бошқа алоқа, телекоммуникация тармоқлари орқали амалга оширилиши билан изоҳланса, виртуал макон эса, аниқ географик ҳудудга эга эмаслиги, яъни тармоқларда содир этилганлиги сабабли унинг ҳудудини ҳам аниқлаш имкони йўқлиги, шу боис ушбу турдаги жиноятларда ашёвий далилларни қўл билан ушлаб, аниқлаб бўлмаслиги, яъни рақамли далиллар ҳисобланганлиги сабабли, уларни фақатгина махсус кодлар, дастурлар ёрдамида аниқлаш мумкинлигини қайд этиш жоиз.

Ҳозирги кунда ушбу турдаги ишлар юзасидан олиб борилаётган тезкор суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида кебиржиноятларни содир этган шахслар жиноят изларини яшириш мақсадида жинойий йўл билан олинган пул маблағларини Республика ҳудудида фаолият юритувчи тўлов тизимлари ("НУМО" ва "UzCard") орқали бир нечта банк пластик карталарига ўтказиб, ҳалқаро электрон пулларга ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса, ушбу турдаги жиноятларни фош этиш ва исботлашни мураккаблаштириб, ушбу фаолиятга оид қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бундан келиб чиқади-ки, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни тез ва қисқа фурсатларда фош этиш учун ахборот технологиялари соҳасида етарли билим, кўникма ва малакага эга кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги имкониятларини ошириш мақсадида банк операциялари билан жараёнларда маълумотлар олишнинг тезкор ва эркин фойдаланиш жараёнига имтиёз ва рухсатномалар бериш масалаларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктомологические аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2003. – 25 с. Алтиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2020. – 54 б.



2. Шаевич А. А. Особенности использования специальных знаний в сфере компьютерных технологий при расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2007. – 24 с.

3. Матчанов А.А. Криминалистическая методика расследования мошенничества совершаемого с использованием информационных технологий. Монография – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – 140 с.

4. Виноградова К. А. Особенности методики расследования отдельных видов мошенничеств на первоначальном этапе / К. А. Виноградова // Расследование преступлений: проблемы и пути их решения. 2015. № 1 (7). С. 106-110.

5. Матчанов А.А. Методика расследования киберпреступлений. Монография – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. – 148 с.

6. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фoш этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.